



Farg'onaazot
aksiyadorlik jamiyati

fargonaazot_uz

AO Farg'onaazot

www.azot.uz

info@azot.uz

fargonaazot.uz

t.me/fargona_azot

Kimyogar

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan.

№ 9 (1685) 2020-yil, 27-oktyabr.

**“НЕФТЧИ” МАДАНИЯТ
САРОЙИДА ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ
ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ** **2** бет.

**ГЕРОИ
НАШЕГО
ВРЕМЕНИ** **3** стр.



**УСПЕХ НАШИХ
ХОККЕИСТОВ**

4 стр.



“FARG’ONAAZOT” акциядорлик жамиятида истикболли лойиҳалар

Фаргона вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоятнинг мутасадди вакиллари ҳамроҳлигида «Farg'onaazot» АЖга таширф буюрди. Таширф давомида жамиятнинг умумий салоҳияти ва фаолияти билан, шу жумладан Аммиак, Карбамид, Концентранмаган азот кислотаси ва Аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехлари билан яқиндан танишди.

Хозирги кунда «Farg'onaazot» АЖда етти мингдан ортиқ ишчи-хизматчилар фаолият кўришмоқда. Ишлаб чиқариш цехлари бир маромда ишламоқда.

Ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишлатилмоқда. 2020 йилнинг январь – сентябрь ойларида 1,305 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, асосан минерал ўғитлар 285,088 минг тонна, бундан азотли ўғитлар 282,099 минг тонна, фосфорли ўғитлар 2,989 минг тонна ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари Суюқ комплекс минерал ўғитлар, дефолиантлар ва ичимлик содаси каби қатор маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалари бажарилган.

Вилоят ҳокими «Аммиак-3» цехида бўлиб корхонанинг инвестицион жозибadorлиги ва келгусида ишлаб чиқаришда маҳсулот таннархини тушириш, энергосамарадорлигини ошириш бўйича тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Бундан ташқари корхонанинг Карбамид, Аммиакли селитра, Концентранмаган азот кислотаси цехлари билан яқиндан танишди. Жамиятда келгусида янги рақобатбардош маҳсулот турларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Шунингдек, жамиятдаги инвестицион лойиҳалар билан қизиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё sanoatini yanada isloх qilish va uning investitsioniy jozibadorligini oshirish chora-tadbirlari tўrtisidagi» qarori ixrosini taъminlash maqsadida umumiy qiymati 237 mln AQШ dollariga teng бўлган корхонадаги аммиак, карбамид, аммиакли селитра ва концентранмаган азот кислотаси ишлаб чиқариш цехларини модернизация қилиш ва жорий қувватларини ошириш лойиҳаси бўйича ҳам фикрлар алмашилди. Хайрулло Бозоров хозирги кунда аммиак ишлаб чиқаришда табиий газ ўрнига алтернатив ёқилг қўллаш мумкинлиги ёки бошқа замонавий усуллари мавжудлиги тўғрисида ҳам қизиқиш билдирди. Маълумки, аммиак ишлаб чиқаришда табиий газ тарихидаги метан конверсия технологияси энг самарадор бўлиб қолаверса кўмир ёки бошқа углеводород ҳомашёларига нисбатан экология ва атроф-муҳитга таъсири жиҳатидан ҳам зарарсиз ҳисобланади. Кўп тоннали аммиак ишлаб чиқариш агрегати модернизациясини босқичма босқич амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, 2009-2016 йиллар мобайнида қатор лойиҳалар амалга оширилган. Яқунловчи босқичлар 2021-2024 йилларда амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Вилоят ҳокимига аммиакли селитра ва концентранмаган азот кислотаси ишлаб чиқариш цехида режалаштирилган ва хозирги кунга қадар амалга оширилаётган ишлар ҳақида мутахассислар маълумот бердилар. Шунингдек, ҳоким табиий минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, ишлаб чиқарилаётган экспортбон маҳсулотлар со-

нини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Ишлаб чиқариш хавфсизлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, замонавий энергия тежовчи ва камхарж технологиялар, рақобатбардош ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш кераклигини айтиб ўтди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхонада янги рақобатбардош маҳсулот турларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бир қанча инвестицион лойиҳалар амалга оширилиб Швейцариянинг Casale компанияси билан ҳамкорликда замонавий ва кўп функционал барабан гранулятор ускунаси ёрдамида азот- фосфорли ва сувда эрувчан азот-фосфор-калийли NPK минерал ўғитлари ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда.

Бундан ташқари Карбамид ишлаб чиқариш қувватини йиллик 600 минг тоннагача ошириш бўйича Голландиянинг Stamicarbon компанияси билан ҳамкорликда техник-тижорий тақлиф ва лойиҳа бизнес-режаси тасдиқланган. Карбамид маҳсулотини қайта ишлаш натижасида меламин маҳсулотини ва келгусида меламин асосида меламин-формальдегид қатрони каби қурилишда лак-бўёқ, бетон арашламалари, мебель sanoatida ДСП, ламинат, қолаверса пресс-форма ва композитлар каби керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Соҳада жаҳонда энг илгор ва биринчилардан саналган Италиянинг Eurotesnica ва Швейцариянинг Casale лицензия қилинган компанияларидан техник тижорий тақлифлар олиниб, “Ўзкимёсаноатлоийиҳа” АЖ билан ҳамкорликда лойиҳанинг Бизнес-режаси ишлаб чиқилган. Мазкур компаниялар тақлиф этаётган меламин ишлаб чиқариш синтези катализаторсиз ва юқори босимда амалга оширилиб, юқори сифат, энергия самарадорлиги ва атроф-муҳитга салбий таъсири жиҳатдан Европа ва жаҳон талабларига тўлиқ мос келиши билан ажралиб туради.

Вилоят раҳбари Х.Бозоров умумий қиймати 88 млн. AQШ долларига тенг бўлган лойиҳа доирасида «Синтекс Рус» (Россия Федерацияси) компанияси билан ҳамкорликда корд ва техник матолар, штапель толаси ишлаб чиқариш бўйича корхона очиб ҳамда қиймати 100 миллион AQШ долларига тенг бўлган аралашма матолар учун синтетик матолар ишлаб чиқариш лойиҳалари бўйича амалий ишларнинг олиб борилишини кўздан кечирди. Ивесторларни жалб қилиш ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида республика ички бозорида синтетик тола (полиэстер)га бўлган талабни ўраниш зарурлигини таъкидлаб, «Farg'onaazot» АЖ ҳар қандай шaroитда ҳам ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиши кераклигини таъкидлади.

Қобилжон НАЗИРОВ,
Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш
ва маҳаллийлаштириш бўлими бошлиғи.

ФИДОЙИ ИНСОНЛАРГА “МЕҲР-САХОВАТ” КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

Синовли кунларда олижаноб халқимиз жипслашиб, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатларнинг соҳиби эканлигини яна бир бора намоён этишди.



Н афақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида ҳам нисбатан серталофат кечаётган жорий йилда халқимиз кўплаб оғир синовларни бошидан ўтказмоқда. Айниқса, жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммога айланган коронавирус пандемияси, Сардоба ва Бухорода рўй берган офатлар, улар оқибатида келиб чиққан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қийинчиликлар матонатли халқимизни яна бир бор имтиҳондан ўтказди, унинг иродасини тоблади. Давлатимиз раҳбари томонидан бу офатларнинг оқибатларини бартараф этиш ва уларнинг таъсирини юмшатишга қаратилган ташаббусларнинг ўз вақтида илгари сурилган тарихий аҳамият касб этмоқда. Зотан, синовли дамлар давлат ва халқни энг олий мақсадлар йўлида янада жипслаштирди. Ўзбекистон бутун дунёга ҳар қандай шaroитда ҳам давлат ва халқ ҳамжиҳатлигининг



ёрқин намунасини яна бир бор кўрсата олди. Мамлакатимиздаги бирдамлик ва энг асосийси, давлат томонидан оқилонга сиёсатнинг тўғри юритилгани бутун жамиятнинг мураккаб жараёнлардан кам талофат билан ўтиб олишига, халқимиз турмуш даражасининг барқарорлиги сақланишига замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 августдаги фармонида кўра глобал пандемия ҳамда турли табиий офат ва фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва тотувлик муҳитини

мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган, бегараз ҳомиёлик ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан барчага ўрнатилган қўллаб-қувватлашнинг муқототга “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти бошқарув раиси Абдулатто Солижонов Тўланович ҳамда Қўтқарув отряди бўлима бошлиғи Сирожов Нурмурод Нуритдин ўғли сазовор бўлдилар.

Айтиш мумкинки, бу борада, ўтган оғир дамлар ва бугунги пандемия даврида “Farg'onaazot” АЖда ҳам кенг қўллаб-қувватлаш амалга ошириб келинмоқда.

Ҳусусан, фаол ишчи-ҳодимларимиз томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун турли кўринишдаги ёрдамлар амалга оширилди. Мухтарам Президентимиз томонидан тақдирланган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати ўз фаолиятини бошлаган кунданок корхона томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Шу кунги Фаргона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров бир гуруҳ соғлиқни сақлаш соҳасининг жонқур вакиллари, саховатли тadbиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг фидойи ҳодимларига «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини тантанали топишди.

Рустам МАМАЖОНОВ.

«БОШ ВАЗИР КУБОГИ-2020» «FARG’ONAAZOT» АЖ ҒОЛИБЛАР САФИДА

Пойтахтимиздаги “Миллий” стадионда футбол бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотларнинг марказий аппарати ходимлари ўртасида “Бош вазир кубоги-2020” футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Х абарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 4 сентябрда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган ўтказилган видеоселектор йиғилишида вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда ҳудудлардаги йирик корхона ва ташкилотларнинг марказий аппарати ходимлари ўртасида турли оммавий маданий ва спорт тadbirlari, жумладан “Бош вазир кубоги” мусобақасини ўтказиш вазифаси юклатилган эди.

Мазкур топшириқнинг ижросини таъминлаш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 4-12 октябрь кунлари вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотларнинг ўртасида футбол мусобақалари ўтказилди. Шунга асосан «Бош вазир кубоги» мусобақаларида “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти ҳам иштирок этди.

Бўйлиги мусобақаларга қизиқиш анча юқори бўлди. Буни жамоалар сонидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Агар ўтган йилги мусобақада 64 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борган бўлса, бу йил улар сони 71 тага етди. “Бош вазир кубоги-2020” мусобақалари ўтган йилги каби 11x11 форматда ўтказилди. Ҳар



бир жамоа таркибидан 15 нафардан футболчи, битта жамоа бошлиғи ва мураббий ўрин олди.

Холислик ва шаффофлик мезонлари асосида ўтган қўра натижаларига кўра жамоалар ўз рақиблирини билиб олишди. Дастлаб, “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти футбол жамоаси “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти футбол жамоаси билан ўзаро беллашди ва 7:1 ҳисобида ғалабани қўлга киритди. Шундан сўнг, мусобақанинг навбатдаги босқичида “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти футбол жамоаси Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг футбол жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувдаги голларни Абдуҳаким Салижанов

ҳамда Собиржон Мамазупумовлар ўз ҳисобларига ёздириб қўйишди. “Бош вазир кубоги-2020” мусобақасининг навбатдаги босқичида “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти футбол жамоаси Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жамоасини асосий дақиқаларда 0:0, пенальтилар сериясида 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабадан сўнг фарғоналиклар чорак финалга йўл олдилар. Мусобақанинг чорак финалида “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти футбол жамоаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабадан сўнг жамоа ярим финалга йўл олди. Мурасасиз баҳсларга бой тарзда

ўтган мусобақанинг 3-ўрин учун бўлиб ўтган баҳсларда Ўзбекистон Республикаси Миллий банки жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди ва “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти футбол жамоаси фахрли 3-ўринни эгаллади.

“Бош вазир кубоги -2020” мусобақасини якуний ўйинлари. Мухташам «Миллий» стадион бош аренасида Олий суд ва Ташқи ишлар вазирлиги футболчилари. Таъкидлаш жоизки, учрашув гарчи профессионал футболчилар тўп суришмаётган бўлсада кескин, мурасасиз ва ҳужумкор руҳда ўтди. Хаваскор ўйинчилар тўп билан муомала қилишди, ҳужумга шайланиш ва ҳимояни мустаҳкамлашда, хавфли вазиятлар содир этишди, дриблинг маҳоратларини кўрсатишда деярли профессионаллардан қолишмадилар.

Учрашувнинг асосий вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолинди. Ғолибни аниқлаш учун жамоалар пенальтилар сериясига мурожаат этишди. Бу лотереяда омад Олий суд футболчиларига nasib этди. Тантанали тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов, Миллий Олимпия қўмитаси президенти Рустам Шоабдурахмонов, жисмоний тарбия ва спорт вазирининг биринчи ўринбосари Равшан Эрматовлар иштирок этди ва ғолибларни тақдирладилар. “Farg'onaazot” АЖ Матбуот хизмати.

ШОГИРДЛАРИ АРДОҒИДАГИ УСТОЗ

Устоз! Бу улуг номни эшитганимизда қалбларимизда чексиз меҳр жила-ланади. Ёш авлодининг, шогирдларнинг камолоти, бахту-саодати, истиқболи, порлоқ келажаги йўлида ўз меҳнатини аямайдиған, жонкуяр, меҳрибон устозларимиз бор экан, ўғил-қизлар юксак ютуқларга, натижаларга эриша-варадилар.



Халқимизда “Устоз отангдек улуг”, деган ибратли нақл бекизга ай-тилмаган. Чунки, устоз сенинг кела-жак ҳаётинг учун жавобгар бўлиб, доимо жон куйдириб, сенинг қайғуйинг билан яшайди. Муваффақиятлар сари элтади.

Корхонамизда ҳам ёшларга устоз шогирдлик анъаналари асосида касб-сирлари му-каммал ўргатиб келинмоқда. Ёшларнинг касб сир-аскорларини пухта ва му-каммал ўзлаштиришларида заводимизда узок йиллик тажрибага эга устозлари-

мизнинг меҳнатлари катта бўлмоқда.

Ана шундай ўзининг машаққатли ва шарафли меҳнати билан кўплаб ёш-ларнинг бугун корхонада ўз ўринини топишига катта ёр-дам берган ҳамкасбларимиз, устозларимиздан бири бу “Farg’onaazot” акциядорлик жамиятининг Таъмирлаш - механика цехи металл-затори лавозимда меҳнат қилаётган Юлдаш Дошанов-дир.

Юлдаш Дошанов дастлаб “Farg’onaazot” акциядорлик жамиятига таъмирлаш- ме-ханика цехига токарлик вазифасига ишга қабул

қилинган.Ўз касбини жону дилдан севган қаҳрамонимиз жамоага келганидан буён, сидқидилдан меҳнат қилиб, корхона иқтисодиётини янада яхшилаш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

Ю. Дошанов тажрибали ва билимдон мутахассис сифа-тида цехда ишлаб чиқариш натижаларининг юксалиши-га, режа топшириқларини ўз вақтида, ортиғи билан бажа-рилишига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. У ўзи учун юкла-тилган вазифани мунтазам равишда бажариб келади. Қаҳрамонимиз дастгоҳидан

чиққан деталлар техникавий стандарт талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юлдаш Дошанов корхо-нанинг йирик технологик цехларидан Аммиак-3, Мочивена ишлаб чиқариш цехи, Аммиакли селитра цехи, Азот кислотаси цехи, ХМД ишлаб чиқариш цехларини реконструкциялаш ва ишга туширишда ўзининг бекиёс хизматлари билан катта ҳисса қўшди.

Юлдаш ака ўзининг касб маҳоратини ошириш билан бир қаторда корхонадаги ёш мутахассисларга устозлик қилиш, уларга касбининг сир-аскорларини ўргатишга катта масъулият билан ёндо-шиб келмоқда.

Устознинг меҳнат фаолия-ти давомида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари муносиб баҳоланиб, кўплаб фахрий ёрлиқлари ва пул мукофот-лари билан тақдирланган. Интизомли ва ташаббускор ходим, барча касбдош-лари ва шогирдларига ўрнак бўлиб, жамоада юксак ҳурмат эҳтиромга сазовор бўлди. Заводадаги оммавий тадбирлар, хашарларда доимо фаоллик намунасини кўрсатади.

Юлдаш ака ишдан ташқари оиласи, маҳалла куйда ҳам ўзининг ўрни, обрў эътиборига эга. Бар-ча бирдек ҳурмат қилади. Маслаҳатларига қулоқ тутади. Аҳил оиланинг бош-чиси 4 нафар фарзанднинг отаси. Қаҳрамонимизнинг бугунги босиб ўтган ибрат-ли умр йўлларида эришган ютуқлари, муваффақиятлари устознинг ҳалол ва фидоко-рона меҳнати, сабр-қаноати, изланишлари учун бир муко-фотдир аслида.

Устозлар ўгити, уларнинг ҳаётий ва касбий тажри-балари ёш ав-лод камолотига хизмат қилади. Уларнинг босиб ўтган ибратли умр йўлларидан шогирдлар ўзларига на-муна олади-лар. Ҳар бир сабоқларидан, меҳнатларидан ўз билим ва кас-бий маҳоратини ошириб боради.



УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ АМАЛДА

Хар қайси корхонада фао-лиятини янада ривожлан-тириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда устоз ва шогирд анъанаси муҳим аҳамият касб этади. Бир детални иш-лаб чиқаришнинг ўзи осон бўлмайди. Унинг сифати, яроқли бўлиши учун диққат эътибор, бу борадаги билим жуда муҳимдир. Бу билимни ўрганишда эса устоз сабоғига таянилади.

Халқимизда “Устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўрғалар”деб бежизга ай-тилмаган. Зеро, донишманд халқимиз ҳар бир сўз ва маколни бежиз айтмай-ди. Ҳар бир иш, ҳар бир сўзда ҳикмат мужассам.

“Farg’onaazot” акциядорлик жамияти-да ҳам ўзининг кўп йиллик меҳнатлари билан корхона иқтисодиётига муно-сиб ҳисса қўшиб келаётган устозлар кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг

орасида ХМД цехи аппаратчиги Ибро-химжон Турдиқулов ҳам бугун ўзининг ишлаб чиқариш жараёндаги фаоллиги, меҳнати, эришаётган ютуқлари билан корхонада ўз ўрни ва мавқеига эга.

2004 йили Иброхимжон Турдиқулов ХМД ишлаб чиқариш цехига оддий ишчи лавозимига ишга келади. Қисқа вақт давомида ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан қаҳрамонимиз корхонада ўз ўринини топиб ХМД ишлаб чиқариш цехи аппаратчиги лавозимига фаолиятини давом эттиради. 2010 йил-дан то бугунга қадар эса И.Турдиқулов корхонанинг ХМД цехи аппаратчиги сифатида меҳнат қилиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш борасида ўзининг фаол эзгу саъй-ҳаракатларини амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда ўзининг юксак бой тажрибаси, малакаси, билимлари билан кўплаб шогирдларга устозлик

қилиб келаётган қаҳрамонимиз ёшлар-га ушбу касб сир-аскорларини ўрганиб, бугун ишлаб чиқариш суръатини оши-риб боришга катта ёрдам бермоқда. Шогирдлар ўз устозлари билан доимо фахрланишади. Устозни эҳтиром этиб, ундан янада кўпроқ билим, касб сир-ларини ўрганишга астойдил интилиб келишмоқда.

Ҳар қандай жамиятда ёшларнинг, шогирдларнинг камолотга етишида ана шундай меҳри дарё, билимли, салоҳиятли устозларнинг ўрни катта-дир. Халқимиз “Бешикдан то қабргача илим изла” деб бежизга айтмайди. Устозларимиздан бугун олаётган билимларимиз, касбий маҳоратимиз эртага биз ҳам устозлик макомига эри-шиб, шогирдлар ардоғида юришимизга хизмат қилади.

Рустам МАМАЖОНОВ
тайёрлади.

Ўзимизнинг шоир!

ФАРҒОНА ТОНГ ОТГУНЧА

Интиқ кутдим кунни тунга етгунча,
Ер юзига қуёш чиқиб ботгунча,
Етмоқ учун ул ўзгални васили,
Бедор тунда Фарғона тонг отгунча.

Эртақдаги маликадай мисоли,
Ярашгандир яноғидаги холи.
Завқ бағишлар сокин тунда висоли,
Бедор тунда Фарғона тонг отгунча.

Ойдин тунда тўлин ойга тенглашиб,
Парилар ҳам тахсин айтар кенгашиб.
Гул ҳам турар уялгандай энгашиб,
Бедор тунда Фарғона тонг отгунча.

Дилдан сўхбат кўрдик кўнгил тўлгунча,
Кетинг энди тонг отади дегунча.
Кўнгиллар ҳам таскин топди бугунча,
Бедор тунда Фарғона тонг отгунча.

КИМЛАР-КИМГА НИМАГАДИР МУШТОҚ ЭКАН

Ҳаётимиз асли ўзи жумбоқ экан,
Яшаш тарихи гоҳо ўндоқ, гоҳо бундоқ экан.
Дарди йўққа қаттиқ ер ҳам юмшоқ экан,
Кимлар-кимга нимагадир муштоқ экан.

Шўх йигитлар гўзал қизга гаплар отар,
Номард йигит ярим йўлда дўстин сотар.
Дўстман дея орқасидан тошлар отар,
Кимлар-кимга нимагадир муштоқ экан.

Қизи бор-у, берганига шукр қилмас,
Ич-ичидан нола қилар сира тинмас.
Қиз бола ҳам борда борку шуни билмас,
Кимлар-кимга нимагадир муштоқ экан.

Бева аёл ёнидадир ўғил-қизи,
Фарзандидан аямайди ширин сўзи.
Кўнгли ярим ширин сўзга муҳтож ўзи,
Кимлар-кимга нимагадир муштоқ экан.

Ўзим учун ашайман-да деган чоғи,
Ўз даридан устун турар фарзанд доғи.
Асқотмайди вақти келиб, сўянган тоғи,
Кимлар-кимга нимагадир муштоқ экан.

Кимлар шукр қилар юриб турганига,
Фарзандлари соғ-у омон юрганига.
Жуфти билан бахтли ҳаёт сурганига,
Кимлар-кимга нимагадир муштоқ экан.

Омади бор омадсизга боқмас киё,
Ҳаёт шундай яралгандай гўё.
Дейишади асли ўзи бир кам дунё.
Кимлар-кимга нимагадир муштоқ экан.

Содиқжон ХАЛИЛОВ,
ИХҚБ соқчиси.

1. 2030 йилгача биометрик паспорт ўрнига ID-карталар жорий этилади, деб эшитдим. Айтишларича, карталарни келажақда Давлат хизматлари марказларидан олар эканмиз. Шу ҳақида тўлиқ маълумот бер-сангиз?

Президент фармониға бино-ан, 2021 йил 1 январдан бошлаб шахсни рақамли идентифика-ция қилишнинг ягона тизими жорий қилинмоқда. Унга кўра, биометрик паспортлар ўрнига Ўзбекистон фуқаросининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқлайдиган

2. Уй отамнинг номида шу ўйни қандай қилиб ўзининг номиниға ўтказсам бўлади?

Отангиз номиға ушбу уй-жой бел-гиланган тартибда давлат рўйхатиға олинган бўлса, ундан сўнг давлат нотариал идораси томонидан им-золанган (олди-сотди, ҳады, мерос ва айрибошлаш) тарикасида давлат хизматлари маркази ёки ягона инте-рактив давлат хизматлари портали орқали расмийлаштириб олишингиз мумкин.

3.Вазирлар Маҳкамасининг кадастр соҳасида янги қабул қилинган қарори билан кадастр

- Мазкур давлат хизмати-ни олиш учун аввало сўровнома тўлдирилади, онлайн ёки Давлат хизматлари марказларига борган ҳолда.. Сўровномаға фуқаролик паспорти маълумотлари киритила-ди. Демак фуқаролик паспортингиз бўлиши шарт. Агар бошқа шахслар номидан мурожаат қилинса, но-тариял тасдиқланган ишончнома илова этилиши талаб этилади. Бунда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 %, яъни 22 минг 300 сўм бож тўлови тўланади. 4 600 сўм давлат хизмати кўрсатилгани учун пуллик хизмат



Adliya Vazirligi
Davlat Xizmatlari
Agentligi

ХАЛҚҚА ЯҚИН ХИЗМАТЛАР

Ҳурматли газетхон! Аҳоли орасида ижтимоий ҳаётимизда учраётган турли вазиятлар билан боғлиқ саволлар пайдо бўлиши табиий, албатта. Ана шун-дай долзарб саволларға Фарғона вилояти давлат хизматлари агентлиги ахбо-рот хизмати вакили Элёржон Эҳсоновдан жавоблар олдик.

электрон ташувчи қурилмага эга ҳужжат сифатида ID-карта жорий этилмоқда. Биометрик паспортлар ҳамда яшаш гувоҳномалари ID-карталарға қуйидаги муддатларда алмаштирилади: Биринчи босқич - 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача иктиёрийлик асосида (16 ёшга тўлганда ёки қонунчиликда кўрсатилган бошқа сабабларға кўра); Иккинчи босқич - 2023 йил 1 январдан 2029 йил 31 декабргача мажбурий тартибда алмаштирилади. Ўзбекистон фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2030 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. ID-карталарни олиш ва алмаштириш учун хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат қилиш мумкин. Ҳозирги биометрик паспорт-ларни расмийлаштириш муддати 10 иш кўни бўлган бўлса, ID-карталарни расмийлаштириш эса 1 иш кўнида амалга оширилади.

ID-карта қуйидаги муддатларға берилади: янги туғилган болага бир ёшгача – 2 йил муддатга; бир ёшдан 16 ёшгача – 5 йил муддатга; 16 ёшдан бошлаб – 10 йил муд-датга.

ID-картани расмийлаштириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизи, яъни 198 минг 470 сўм (22.09.2020 ҳолатига) миқдориди тўлов ундирилади.

паспортини расмийлаштириш-да фуқароларимиз учун қандай энгилликлар яратилди?

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига асосан Кадастр паспортини комплек-с тарзда олиш имкониятининг яра-тилди. Хусусан, объектни фойдала-нишға қабул қилиш далолатномаси, кадастр паспорти ҳамда кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги реестрдан кўчирмани бир вақтда олиш имкони мавжуд.

Қуйидаги ҳолларда кадастр паспортини расмийлаштириш бепул амалга оширилиши белгиланди: — кадастр паспорти йўқолганда (яроқсиз ҳолға келганда) бепул ка-дастр паспортини бериш; — кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи кадастр йиғмажилди (па-спорти) мавжуд бўлиб, бегоналашти-рилганда ёки объектда ўзгаришлар (реконструкция, қўйимча ва алоҳида қурилиш) мавжуд бўлмаганда; — кўчмас мулк объектининг бир қисми бегоналаштирилганда объ-ектнинг қолган қисмиға ёки рекон-струкциясиз тоифаси ўзгарганда.

Ушбу ҳолларда кадастр паспорти уч иш кўни мобайнида расмийлашти-рилади.

Кадастр паспорти фуқароларни ихтиёриға кўра QR-код қўйилган қоғоз шаклда ёки пластик карточка шаклида берилиши мумкин.

4. Давлат хизматлари марка-зидан судланмаганлик ҳақида маълумотнома олиш пулликми?

тўлови ҳам бор. Бу ихтиёрий равиш-да амалға оширилади. Судланмаган-лик ҳақида маълумотнома олиш 2 иш кўнида амалға оширилади.

5.Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномамини йўқотганми. Такрорий гувоҳнома олишим учун қанча пул тўлайман?

- Мазкур савол юзасидан қўйидагиларни маълум қиламиз. Такрорий гувоҳномадан олиш учун ҳудудиниғиздаги Фуқаролик ҳолатлари далолатномалари ёзиш бўлимиға му-рожаат қиласиз. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат, яъни фуқаролик паспорти билан, шунингдек, учинчи шахслар манфаатиди ҳаракат қилаётганда – нотариал тасдиқланган ишончно-ма тақдим этилади. Бу хизматнинг тўлов миқдори қўйидагича: базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 % бож тўлови ҳамда герб йиғими учун ҳам базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида маблағ тўланади.

6.Никоҳдан ўтиш учун ариза муддати қарантин сабаб ўтиб кетса, нима бўлади?

«Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори би-лан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 76-бандиға кўра, никоҳни қайд этиш муддатини узай-тириш никоҳ тузувчиларнинг бирга-ликдаги аризаларига биноан кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда етарли асослар бўлган тақдирда, шунингдек ФХДЭ органининг ташаббуси билан

ушбу муддат уч ойгача узайтирили-ши мумкин», - дейди у АОКА қошида ташкил этилган махсус штаб брифин-гида.Маълумот учун, одатда никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар тўғрисида белгиланган намунадаги ариза билан мурожаат этган кундан кейин бир ой ўтгач, улардан бирининг ашаш жойидаги ФХДЭ органи томонидан никоҳ қайд этилади. ФХДЭ органи му-дири, узрли сабаблар бўлганда ҳамда аризаларининг илтимосларига кўра, бир ойлик муддатни қисқартириши ҳам мумкин.

7. Бағдод туманида туғилганман. Қирғизистон Республикасида яшайман. Қандай қилиб йўқотиб қўйган туғилганлик ҳақидаги гувоҳно-мамни такрорий олишим мум-кин.

Фуқаро доимий яшаб турган ҳудудидаги ФХДЭ органиға ариза

билан мурожаат қилади. Ушбу ариза белгиланган тартибда бўлади ва элчихоналар орқали «Фуқаролик, оилавий ва жиний ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муноса-батлар тўғрисида»ги (Минск) конвен-циясига асосан Ўзбекистон Респу-бликасиға юборилади. Ўзбекистон Республикасиға келиб тушган аризалар Давлат хизматлари агент-лигининг ҳудудий бошқармаларига, бошқармалар эса ФХДЭ органларига юборади ва туман (шаҳар) ФХДЭ бўлимлари ҳар бир келиб туш-ган сўровномаларни белгиланган муддатларда ижроси таъминланиб, Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаларига қайтиб юборилади. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тафаввутлар бўлмаган тақдирда та-қроран берилади ва ушбу ҳужжатни фуқаро 3 ойдан 6 ойгача бўлган вақт оралиғида олиши мумкин.

“НЕФТЧИ” МАДАНИЯТ САРОЙИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Фарғона шахрининг Қирғули мавзесини ўзига хос сано-атлашган ҳудуд дейиш мумкин. Бу ерда асосан йирик завод ва фабрикаларнинг ишчи-ходимлари истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бир бўш вақти корхоналарнинг иш фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Ана шундай вазиятларни ҳисобға олган ҳолда Қирғулидаги “Нефтичи” маданият саройида Фарғона шахар Давлат хизматлари марказининг филиали ташкил этилди.

—Тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаман. Кундалик юмуш-лар туфайли яшаш жойимдан 11 км узоқликдаги Давлат хизматлари марказига келиб кетар эдим, —дейди Қирғули мавзесида истиқомат қилувчи Шарифжон Камолов. — Нефтичи маданият саройида ДХМ филиалининг ташкил этилиши айнаи мудида бўлди. Бу ерда маҳалла кутубхонаси, МФЙ маъмурий биноси, 2-сектор штаби, маданият саройи мажмуа сифатида жойлашибди. Ташкил этилган филиал 70 минг аҳоли жойлашган Қирғули мавзесидаги фуқароларнинг узоғини яқин қилди, дейиш мумкин.

Ташкил этилган ДХМ филиали жисмоний ва юридик шахслар-ға мобил давлат хизматларини кўрсатиши билан аҳамиятли. Ҳудуд аҳолисиға кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилмоқда. Бу ерда ДХМда кўрсатиладиган 130 дан ортиқ хизматларнинг барчасидан фойдала-ниш имконияти мавжуд.

Айтиш мумкинки, бугун давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот янги босқичға кўтарилди. Халқнинг огирини енгил, узоғини яқин қилиш, қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлашға қаратилган давлат хизматларини кўрсатишнинг янгича тизими ҳаётимизнинг ажралмас қисмиға айланиб улғурди. Айнан қулайлик ва узоқни яқин қилишда эса жойларда ташкил этилган филиалларнинг иш фаолияти айнаи мудида бўлиши шубҳасиз.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «FARG'ONAAZOT» ПРЕУМНОЖАЕТ СВОЙ ПОТЕНЦИАЛ

Хоким Ферганской области Хайрулло Бозоров посетил АО «Farg'onaazot». Он ознакомился с деятельностью предприятия, интересовался его потенциалом, объемами производства аммиака, мочевины, концентрированной азотной кислоты, нитрата аммония.



В настоящее время в АО «Farg'onaazot» работает более семи тысяч человек. Производственные цеха работают бесперебойно. В январе-сентябре 2020 года продукции произведено на 1,163 триллиона сумов. В частности, произведено 285 088 тысяч тонн минеральных удобрений, из которых 282 099 тысяч тонн - азотные и 2 989 тысяч тонн - фосфорные удобрения. Кроме того, мы

выполнили план по производству жидких комплексных минеральных удобрений, дефолиантов и пищевой соды, - рассказал председатель общества Абдулпатто Салижанов главе области.

Ознакомившись с цехом аммиака-3, хоким высказал мнение об инвестиционной привлекательности предприятия и предложения по снижению себестоимости продукции, повышению энергоэффективности производства. Во время посещения

производства карбамида, аммиачной селитры и неконцентрированной азотной кислоты, он поручил руководству предприятия освоить конкурентоспособные виды продукции, создать новые рабочие места и увеличить экспортный потенциал.

Руководитель области также интересовался инвестиционными проектами общества. В рамках исполнения Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему

реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», на предприятии планируется реализовать проект модернизации и наращивания мощности стоимостью 237 миллионов долларов США. Хоким области обсудил данный проект с председателем правления АО Абдулпатто Салижановым.

Хайрулла Бозоров также обсудил со специалистами предприятия вопрос об открытии совместного предприятия с «Синтекс Рус» (Российская Федерация) по производству кордных, технических тканей и штапельного волокна в рамках проекта стоимостью 88 миллионов долларов. В то же время рассмотрена практическая работа по проекту производства синтетического волокна для композитных тканей стоимостью 100 миллионов долларов. Хоким области подчеркнул необходимость изучения спроса на синтетическое волокно (полиэстер) на внутреннем рынке с целью привлечения инвесторов и реализации проектов. При этом отметил, что АО «Farg'onaazot» должен поддерживать производственные мощности в любых условиях.

